O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 24 октябрь, шанба • № 83 (11.066) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Котибининг Афғонистондаги Махсус вакили Лахдар Брахимини қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, Афғонистон можаросини бартараф қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларга Л. Брахими ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётганини айтди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Бош Котиби Кофи Аннаннинг Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

— Ўзбекистон ўзига қўшни юрт бўлмиш Афғонистондаги ҳарбий зиддиятлардан чуқур ташвиш билдириб келаётгани бутун дунёга маълум, — деди, жумладан, Президент Ислом Каримов. — Ушбу мамлакатда тинчилик ва барқарорликнинг ўрнатилиши, шубҳасиз, аввало жабрдийда Афғон халқи манфаатларига хизмат қилади.

Учрашувда фожеавий кўлами ва хавфи ғоят катта бўлган Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

Лахдар Брахими қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

Қабул маросимида Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов қатнашди.

(ЎзА).

БАШАРИЯТ ИФТИХОРЛАРИ

Буюк ватандошларимиз Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний тантаналарида қатнашиш учун юртимизга дунёнинг турли бурчакларидан меҳмонлар ташриф буюрди. Улар асосий тантаналар ўтказиладиган Самарқанд ва Фарғонага жўнаб кетишдан олдин пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

ЎзА мухбири юртимиз меҳмонлари билан суҳбатлашиб, буюк ватандошларимиз ҳақида уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

АҲМАД ХОЛИД АЛКУЛЕБ — Қувайт амирлиги Адлия ва ислом ишлари вазири.

— Имом Бухорий ҳазратлари ислом тарихидаги энг буюк сиймолардан биридир. Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо Саллоллоҳу Алайҳи Вассалламнинг мероси тарих тўфонлари оша бизгача асл ҳолида етиб келишидаги асосий хизмат ҳам шу зоти шарифга насиб этгандир. Шу боис бутун дунё мусулмонлари у кишининг қадрини баланд тутиб, илмий меросини авайлаб-асраб келмоқда. Яратганга шукрки, Имом Бухорий ҳазратларининг ижодий мероси билан бир қаторда хоки туроби ҳам ўз ватанида муносиб иззат-эътибор топди. Дунё мусулмонларининг бу азиз жойни зиёрат қилишларига кенг йўл очилди.

Қувайтда Имом Бухорий мероси, у киши яратган китоблар мактаб ва олий таълим даргоҳларида кенг ўқитилади. Шу каби, дунё илмининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган Аҳмад ал-Фарғонийнинг ижодий меросидан ҳам халқимиз яхши хабардор. Шундай улуғ ватандошларингиз сабаб юртингизга ҳам эҳтиромимиз улуғдир. Биз қувайтликлар Ўзбекистонга ҳавас билан қараймиз. Чунки

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ЙЎЛЛАР ОБОДОНЛАШЯПТИ

ТОШКЕНТ — Ўш автомобиль йўли тобора серқатнов бўлиб бормоқда. Йўлнинг Ангрен ҳудуди бўлимида ҳайдовчи ва йўловчиларга маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

Бу ерда ошхоналар, автомобилларга техника хизмати кўрсатадиган устахоналар, ёнилғи қуйиш станцияларга эга бўлган Зта гузар қурилиши бошлаб юборилди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлнинг икки томонига темир-бетон тўсиқлар ўрнатилмоқда. Шунингдек, Дукентсой сойидан ўтадиган кўприк қайта таъмирланиб, дамбаларни мустаҳкамлаш, сой қирғоқларида сув ҳавзалари барпо этишга ҳам киришилди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

МУЛОҚОТДА ТУҒИЛГАН ФИКРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН миллий матбуот марказида қаламкашларнинг республика халқ хўжалигининг турли тармоқлари раҳбарлари ва етакчи мутахассислари билан учрашувлари яхши анъана бўлиб қолди. Яқинда навбатдаги яна бир шундай мулоқот уюштирилди. Бу гал республикамиз Почта ва телекоммуникациялар агентлиги раҳбарияти меҳмон бўлишди.

Унда шу агентлик бош директори Абдувоҳид Жўрабоев, «Маҳаллий телеком», «Халқаро телеком» акциядорлик компаниялари, «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси раҳбар ходимлари алоқа ва почта хизматининг ташкил этилиши, унинг истиқболлари, соҳани ривожлантириш бўйича тузилган режаларнинг амалга оширилиши қандай бораётганлиги ҳақида батафсил сўзлаб бердилар.

Очиқ мулоқотда иқтисодиётнинг ривожланиши ва кишилар ҳаётида алоқа воситалари катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда замон талабларидан келиб чиқиб, бу тармоқни юксалтиришга катта эътибор берилмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида бу соҳага сарфланган сармоя ҳажми 6,4 миллиард сўмни ташкил этди. Салкам 3 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йилда қабул қилинган ва телекоммуникация тармоқларини 2010 йилгача бўлган даврда ривожлантиришнинг миллий дастурида белгиланган марра — автоматлашган телефон станциялари қувватини уч баробар ошириш, ҳар 100 киши ҳисобига 13,4та телефон тўғри келишига эришиш учун ҳаракат бормоқда. Ҳозирги вақтдаёқ телефон тармоғи деярли 1,5 миллион номерга етди. Уларнинг 82 фоизи бевосита аҳоли хизматида. Кейинги йиллар давомида 409 минг рақамли АТСлар ишга туширилди. Биргина Тошкент вилоятида 40 минг номерли станциялар фойдаланишга топширилди.

Тармоққа қарашли барча 36та ҳиссадорлик жамиятлари ўз акцияларини чиқариб сотмоқдалар. Бундан тушган маблағлар соҳани янада ривожлантиришга сарфланади. Айни вақтда чет эл сармояларини жалб қилиш юзасидан саъй-ҳаракатлар ҳам олиб борилмоқда. Чунончи Япония, Индонезия кредитлар бермоқда, биргаликда қўшма корхоналар барпо этмоқда.

Очиқ мулоқотда қилинган ишларга қарамай тармоқ ходимлари фаолиятида ҳали катта камчиликлар борлиги ҳам қайд қилинди. Кўпгина почта ва алоқа корхоналари ҳамон давр талаби даражасида ишламаяпти, айниқса, хизмат маданияти кўнгилдагидек эмас. Бу ҳақли равишда мижозларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Қаламкашлар ҳам шу нуқсонларни бартараф этишга қаратилган фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар, ўзларининг кўпдан-кўп саволларига жавоб олдилар.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

ЎЗЛАРИ ЕТИШТИРИБ, ЎЗЛАРИ ҚАЙТА ИШЛАШАДИ

Паркент туманидаги «Бойқозон» ширкатлар хўжалигида чорвачилик тобора тараққий этиб боряпти. Чунки бу ерда асосан, зотли моллар боқилади. Шу кунгача аҳолига қарийб 90 тонна гўшт, 800 тонна сут етказиб берилди.

Муваффақиятнинг энг муҳим омили эса хўжаликда мустаҳкам озуқа базасини яратишга алоҳида эътибор берилаётганлигидадир. Жорий йилда чорвадорлар 2050 тонна пичан, 250 тонна сомон, 804 тонна консерваланган яшил озуқа, 2500 тонна силос тайёрлашди. Омухта ем мунтазам келтирилиб турибди. Бу ҳар бир шартли қорамол учун 19 центнер озуқа бирлиги демакдир.

Тўйимли озуқалар билан боқилган сигирлардан кунига ўртача 10-12 килограммдан сут соғиб олинмоқда. Хўжаликда сутни қайта ишлайдиган цех қурилган. Унда тайёрланган қаймоқ, пишлоқ ва бошқа маҳсулотлар «Чинобод» сиҳатгоҳи дам олувчилари ва пойтахт аҳолисига етказиб бериляпти.

СУРАТЛАРДА: илғор сут соғувчи Умида Бадалова ва Рихси Мирсолиҳова; бош зоотехник Абдувоид Алматов ва молбоқар Имом Маҳкамов; пичан жамғариш пайти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



ЁШ ЎЛКАШУНОСЛАР ҒОЛИБ

БОЛАЛАР саёҳатчилиги ва ўлкашунослиги марказининг «Ёш ўлкашунос» базасида ўтказилган мусобақада ўнга яқин команда иштирок этди.

Мусобақада Тошкент вилояти командаси фаоллик кўрсатди. Айниқса, Келес шаҳридаги «Алькор» ўлкашунослик клуби билан Чирчиқдаги «Пилигрим» тоғ клуби аъзолари чаққонлик ва маҳорат намуналарини кўрсатдилар ҳамда иккинчи ва учинчи ўринларни бўлиб олишди.

Акбар АЛИЕВ.

ИККИТА ДЎКОН ИШГА ТУШДИ

ОЧИҚ турдаги «Савдо» масъулияти чекланган жамият жамоаси олмаликликларга хизмат кўрсатиш ҳажмини муттасил кенгайтирмоқда. Бунга мавжуд савдо корхоналарини кенгайтириш ва янгиларини барпо этиш ҳисобига эришиляпти.

Жумладан, шаҳардаги «Теракли» маҳалла аҳолисининг илтимоси билан яқинда бу ерда янги дўкон очилди. Унда меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилди. Натижада маҳалла аҳли ортиқча оворагарчиликдан халос бўлди. Бундан ташқари, махсус «Болалар дунёси» дўкони ҳам барпо этилди. Ҳозир унда ёш ўғил-қизлар учун мўлжалланган кийимлар, пойабзал, мактаб талабаларининг ўқув қуроллари, идораларда иш юритиш учун зарур бўлган анжомлар билан савдо қилинмоқда.

Ўз мухбиримиз.

БУНИСИ «ОЛҒА»ДА

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди.

Юқоричирчиқ туманининг «Олға» ширкат хўжалигида қалампирни қайта ишлаб, хушхўр масаллиқ тайёрлайдиган Ўзбекистон — Ирландия қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

Меҳмонқул Бакиров раҳбарлик қилаётган бу корхона ёнида тегирмон ҳам ишга тушди. Яқинда «олға»ликлар шоли тегирмонига ҳам эга бўладилар.

Иномжон ХОЛТУРСУНОВ.

ЎЗ МОЛИНИ АБГОР ҚИЛМАЙДИЛАР...

Қарор ва ижро

ШУ кунларда пахта далаларида бўлган киши етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли йиғиб-териб олишга чоғланган турли касб эгаларини кўриб, қувонади. Бу бежиз эмас. Юртимиз фаровонлиги, рўзғоримиз бутлиги, дастурхонимиз тўкинлиги ундан яратилган хирмонлар баракасига боғлиқ.

Вилоят ҳокимлигининг зиёлилар, ишчи-хизматчиларга, барча меҳнаткашларга Мурожаати ҳамма қатори биз Ички ишлар ходимларини ҳам руҳлантирди. Мавсум учун махсус режамизни ишлаб чиқдик. Унга мувофиқ, вилоят ҳудудида яшаб, хизмат бурчини ўтаётган ҳар бир милиция ходими оиласи билан бир тоннадан пахта териб беришга аҳд қилди. Ана шу ваъдани бажариш учун ҳар шанба ва якшанба кунлари улар далада астойдил ишлашмоқда.

Айни пайтда ҳаммамизга ҳам мусъулиятли бўлган шу босқичда ҳосилни ёнғиндан сақлаш, пайҳонга йўл қўймаслик, хашарчилар истиқомат жойларида тартиб-қоидага амал қилинишини, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш каби бевосита ўз фаолиятимизга дахлдор муҳим вазифаларни бажаришга ҳам эътибор кучайтирилди. Бу мақсадда қирқ иккита жойда ДАН постлари ташкил этилди. Теримчиларни ташийдиган автобусларнинг техник созлиги ҳар бир ДАН ходимининг диққат марказида бўлмоқда. Ҳашарчилар яшайдиган жойларга қўйиладиган навбатчилар ўз масъулиятларини чуқур тушунганликлари учун бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик ҳолати қайд этилмади.

Маҳсулотни ёнғиндан сақлаш борасидаги талабларни бажармаганларга эса ўз вақтида чора кўриб борилмоқда. Хусусан, пахта заводлари, қабул қилиш пунктларида 72 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо белгиланди.

Ички ишлар ходимлари пахтани пайҳон қилишга қарши курашда ҳам изчиллик кўрсатяптилар. Терим бошлангандан бери пайҳон бўйича 11 ҳолат аниқланди. 17 нафар фуқарога тегишли бўлган 29та қорамол хўжаликларнинг 0,75 сотих майдонини пайҳон қилган ва 59 минг сўмликдан ортиқ зиён етказган.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий қонунбузарлик Кодексининг 104-моддаси асосида баённомалар ёзилиб, моллар эгаларидан жарима ундириб олинди. Айни пайтда Юқоричирчиқ туманининг «Ийк ота» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Нурали Аллаберганов, Чиноз туманининг Амир Темур номли ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи Эргаш Омонов, Бекобод туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзоси Маматқул Жумановлар ҳам моллари пахтазорларни пайҳон қилганлиги учун қонун олдида жавоб бердилар.

Шу ўринда бир фикр туғилади. Наҳотки, баҳор ва ёз бўйи кимдир пешона тер тўкиб, не машаққатлар билан пахта етиштирса-ю, қайсидир кимса неча бор огоҳлантирилиши, суҳбатлар ўтказилишига қарамай, молига эътиборсизлик кўрсатса?! Бизнингча, кўпчилик меҳнатини менсимаган бундай шахслар ширкат хўжаликлари йиғилишларида муҳокама этилиши, одамлар олдида изза қилиниши керак. Балки шунда уларнинг кўзлари очилар. Бундай кўнгилсиз ҳолларга йўл қўймаслар.

Терим мавсумидаги фаолиятларида Ички ишлар ходимлари пахта ўғирлаш ҳолатига ҳам дуч келдилар. Бўка туманининг Жамбул номли ширкат хўжалиги иқтисодчиси Ҳайдар Маматовнинг уйи текширилганда у 847 килограмм пахтани «тиркама йўқ» деган баҳона билан яшириб қўйганлиги аниқланди. Ҳозир бу иш бўйича суриштирув олиб борилмоқда. Пахта — халқимиз бойлиги, унга чанг солишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қолаверса, бундай ҳом хаёлга борганлар ходимларимизнинг назоратидан узоққа кетолмайдилар.

Биз бундан буён ҳам мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, зиммамиздаги вазифаларимизни ўз вақтида тўғри адо этишга ва вилоятимизнинг 280 минг тонналик хирмонини яратишга муносиб ҳиссамизни қўшаверамиз.

Убайдулло АБДУЛЛАЕВ, вилоят ИИБ жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи.

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

МАМЛАКАТИМИЗДА соғлом авлодни вояга етказиш, келажагимиз бўлган фарзандларимизни ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялаш энг муҳим дастурлардан биридир.

Ана шу дастурга мувофиқ соғлиқни сақлаш тизими ходимлари амалга оширадиган ишлар кўлами ҳам кенг. Хусусан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳар йили болаларни турли хавфли касалликларга қарши эмлаш ойликлари ва ҳафталикларини мунтазам ўтказмоқда. 1998 йилда болаларда кўп учрайдиган ва уларни бир умр майиб-мажруҳга айлантирадиган дардлардан бири — шол (полиомелит) хасталигига қарши икки босқичда эмлаш тадбирлари амалга оширилди.

Бизга маълум қилишларича, эмлаш ишлари вилоятнинг шаҳар ва туманларида тўлиқ якунланди. Айни кунларда болаларни яна бир бор тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича янги босқичдаги ишлар қилинади.

Шаҳноза АБДУАЗИМОВА.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

БАШАРИЯТ ИФТИХОРЛАРИ

МИСРДАН ТЎЁНА БИЛАН

«Жаҳон» Ахборот агентлигининг Қоҳирадаги мухбири мамлакатимиз ҳукумати томонидан таклиф қилинган Миср олимлари делегацияси раҳбари, Ал-Азҳар университетининг ректори, Миср Араб Республикаси Халқ мажлиси (парламент) депутати, профессор Аҳмад Умар Ҳошим билан суҳбатлашди.

— Давлатимиз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганишга кенг имкониятлар яратилди. Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний юбилейларининг кенг миқёсда нишонлаши бунинг яққол далилидир. Айтингчи, мамлакатимиз ҳаётидаги бу муҳим воқеани Миср аҳли қандай кутиб олди?

— Аввало, ўзбек ва бутун мусулмон халқларининг бой маънавий меросини тиклаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримов жаноби олийларининг кўрсатаётган саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазоворлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Буюк ўзбек алломалари Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейларини ўтказиш бўйича ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳукуматининг қарорлари Миср давлат ва жамоат арбоблари, олим ва фозиллари томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинган эди. Илм-маърифат йўлида жаҳон кезган ва ўзларининг беназир илмий асарлари билан шу минтақа халқининг маънавий қудрати ва имкониятини жумлаи жаҳонга маълум ва машҳур этиб, номини тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битган Имом Ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний номларини эъзозлаб келаётган ал-Қоҳира, Ал-Азҳар, Айн-Шамс ва ал-Искандария университетлари олимлари юбилей муносабати билан алломалар бой илмий меросига бағишлаб, илмий анжуманлар ўтказдилар. Миср оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистонда ўтказилиши мўлжалланган юбилей тадбирлари ҳақида батафсил ҳикоя қилиб борилди. Илмий анжуманларда мавороуннаҳрлик буюк олимларнинг жаҳон фан ва маданияти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳақида батафсил сўз юритилди.

— Ушбу юбилей муносабати билан Миср олимлари қандай ишларни амалга оширдилар? Ўзбекистонда ўтказиладиган тантаналарга қандай туҳфани тақдим этмоқчилар?

— Миср олимлари алломаларнинг ҳаёти ва ўлмас асарлари бўйича янги маълумотларни ўрганиб китоблар тайёрладилар. Масалан, Айн-Шамс университети филология факультети профессори Аҳмад Саид ал-Холи Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси билан ҳамкорликда Қоҳирадаги Араб қўлёзмалари институти хазиналарида эъзозланиб сақланиб келинаётган ал-Фарғонийнинг «Самовий ҳаракатлар ва юлдузшунослик асослари китоби», «Ой Ер устида ёки унинг остида бўлган пайтдаги вақтларни ўрганиш ҳақида рисола», «Устурлоб ҳақида мукаммал китоб», «Устурлоб санъатига оид китоб» асарларидан нусхалар олиб Ўзбекистон Фанлар Академиясига тухфа қилди.

Айн-Шамс, ал-Қоҳира, ал-Азҳар университетларининг профессори, асли ватандошингиз бўлган Насрулло Мубашшир Тарозий эса «Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадиси шарифларнинг туркий тиллардаги таржималарининг қўлёзма китоблари бўйича Миср миллий кутубхонаси каталоги», «Имом ал-Бухорий ҳазратларига бағишланган Халқаро конференцияга эзгу тилаклар ва саломлар», «Бухоро ва Хива уламоларининг илмий ва маданий мерослари ва уларнинг библиографияси (13 аср мобайнида)», «Бухоро ва Хива осори атиқа ва обидаларининг қисқача тарихи» каби ниҳоятда ноёб илмий асарларини нашр қилдириб, алломалар тўйига тақдим қилиш ниятида.

Юбилей тантаналарининг яна бир қатнашчиси доктор Абдулла Ас-Саъд эса «Марказий Осиё, Волга ва Кавказ ўлкаларидан етишиб чиққан алломалар биобиблиографик энциклопедиясининг олти жилдини икки ўзбек алломасининг юбилейига армуғон қилишини хабар қилди.

Жаҳон илм-маърифати ва маданиятига буюк ҳисса қўшган алломалар Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий меросига Мисрда қизиқиш катта. Бундан минг йиллар аввал Мавороуннаҳр ва Нил соҳилидаги ўлкаларни илм ва маърифат соҳасидаги буюк ишлари билан боғлаган буюк алломалар тўйи Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги шу кунларда ривожланиб бораётган самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Суҳбатни «Жаҳон»АА махсус мухбири Р. ҚОДИРОВ ёзиб олди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

бу ватан дунёга энг буюк ислом уламоларини етказиб берган. Унинг ислом тарихидаги ўрни ва нуфузи алоҳидадир. Дунёда ислом-нинг устиворлиги сабабларидан бири ҳам Ўзбекистон заминида униб-ўсган олимлар тўфайлидир.

Биз шундай улуғ ҳодиса муносабати билан таклифнома олганимизда беҳад севиндик. Тўйга тўёна билан бориш одати бизда ҳам бор. Шу боис Имом Бухорий мажмуасидаги кутубхона учун Кувайт амири беш юз минг АҚШ доллари миқдорида беғараз ҳадя юбордилар. Зотан, Имом Бухорий қадамжолари нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун ислом оламининг муқаддас зиёратгоҳларидан бири бўлиб қолади, иншооллоҳ.

АЛИ АЖАБШИРИЗОДА — Табриз университети астрофизика маркази бошлиғи, профессор.

— Табриздаги Мароға обсерваторияси катта тарихга эга бўлган илм масканларидан бири. Унга Самарқандда яшаб, ижод қилган ва кейин Эронга келган Хўжа Насриддин Тусий олим ва подшоҳ Улуғбек обсерваториясидан нусха олиб асос солган эди. Саккиз юз йиллик тарихга эга бўлган обсерваториямизда юлдузлар илмини ўрганиш тўхтаган эмас. Бунда Аҳмад ал-Фарғоний асарларидан қўлланма сифатида фойдаланилган. Қум шаҳридаги Оятулла Мар Али кутубхонасида эса Аҳмад ал-Фарғоний ва Имом Бухорийнинг жуда кўп китоблари жамланган.

Бизда бир мақол бор: «Пулни харжласанг камаяди, илмни харжласанг кўпаяди». Бугун Ўзбекистон ҳукумати буюк алломалар юбилейи тантаناси муносабати билан олимларни ҳам тўплаган экан, бунинг савоби ва натижаси тез орада кўзга кўриниши аниқ. Чунки Имом Бухорий ва Аҳмад Ал-Фарғоний мероси асрлар зулмати ичра мусулмонлар қўлидаги чироқ каби Ҳақ йўлини ёритиб келди. Иншооллоҳ, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажак. Имом Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний мероси бугун ҳам халққа хизмат қилиб, олимларнинг бир жойга тўпланишига ва илмлари билан бир-бирини бойитишга сабаб бўлиб турибди. Зотан, илм ривожланса, халқлар ҳам, дунё ҳам ривожланаверади.

АСҚАР АЛИ ИНЖЕНЕР — Ҳиндистондаги ислом тадқиқотлари институти директори.

— Ислом тарихида буюк олимлар кўп бўлган. Лекин шулар орасида ҳамюртингиз, жамики мусулмонлар ифтихори бўлган Имом Бухорий ҳазратларининг ўрни алоҳида. Ул зот 600 000дан ошиқ ҳадис тўплагани ва шулар ичидан энг саҳиҳ — ишончлиларини ажратиб олганини кўпчилик билади. Лекин бунинг нақадар заҳматли ва масъулиятли иш эканлигини ҳамма вақт ҳам тасаввур қилавермайди. Зотан, пайғамбаримизга нисбат берилган ҳадислар ичига ишончсизлари, нотўғрилари аралашса, исломдаги софлик, бутунлик йўқолган бўлар эди. Имом Бухорий тўплаган Саҳиҳ ҳадислар бугунгача ислом шариатининг мустаҳкам асоси бўлиб турибди.

Ул зотнинг илмдаги ютуқларидан яна бири шуки, ҳадисларни тўплаш ва уларнинг ишончлиларини ажратиш методологиясини яратди. Бу эса ҳадис илмининг янада ривожланишида асосий омил бўлди. Шунингдек, Имом Бухорий ҳазратлари ҳадис бўйича билимларни имтиҳон қилиш методологиясини ҳам яратди ва амалга жорий қилди. Бу эса талқин ва тафсирда адашмасликнинг муҳим шартларидан биридир. Ул зоти шарифнинг мероси бундан кейин ҳам ислом илмининг ривожланиши учун пойдевор бўлиб қолаверади.

Суҳбатдош: Мусулмон НАМОЗ, ЎзА мухбири.

ШАРҚДАН ТАРАЛГАН ЗИЁ

ЎЗБЕКИСТОН Бадиий Академияси кўргазмалар залида Имом ал-Бухорий ҳамда Аҳмад ал-Фарғоний тавваллудларига бағишлаб халқаро кўргазма ташкил этилди.

Маънавиятимиз сарчашмалари — Имом ал-Бухорий ҳамда Аҳмад ал-Фарғоний боболаримизнинг таваллуд топган кунларини нишонлаш жаҳоншумул аҳамиятга молик воқеадир. Шу боис, юртимизнинг барча гўшаларида, айниқса, Самарқанд ва Фарғонада қутлуғ тадбирни ўтказишга катта тайёргарлик кўриляпти. Хусусан, Тошкент шаҳрида «Шарқдан таралган зиё» мавзуида очилган халқаро кўргазма ҳам бунга мисол бўла олади.

Шуни айтиш керакки, кўргазмада нафақат ўзбекистонликлар, ҳатто хорижий давлатлар — Америка Қўшма Штатлари, Миср, Ҳиндистон, Туркманистон ва бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган етакчи рассом ва ҳайкалтарошлар ижодидан намуналар қўйилган. Бу ердаги 100дан ортиқ рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва халқ амалий санъатлари асарларидан ташкил топган нодир дурдоналар ҳамма иштирокчиларни ҳайратлантириб, бир олам қувонч ҳадя этди. Шодлигидан ўзига сиғмай турган Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ахборот ва маркетинг бошқармаси бошлиғи, санъатшунослик номзоди Шарофатхон Қамбарова шундай деди:

— Имом ал-Бухорийнинг ижодий мероси жаҳоннинг етук олимлари учун битмас-туганмас хазина манбаидир. Олим томонидан тўпланган Пайғамбаримиз ҳадислари инсон ҳаётининг барча кўринишларини ўзида акс эттириб, Ватанга муҳаббат, ахлоқ-одоб, ҳалоллик, адолатпарварлик каби хислатларни тарғиб қилади ва ер юзида ҳар қандай ёвузлик, жаҳолат нодонликларни таг-туги билан йўқотишга чақиради. Табиат бобомизга туғма қобилият, ажойиб хотира инъом этган. Ў киши буюк муҳаддислар томонидан қайд қилинган жамъи ҳадислар ва уларнинг мазмунини ёддан билган. Унинг «Алжомъе ас-Сахийҳ» асари эса мусулмон оламининг энг тиниқ, энг покиза булоғидир. Инсоний қадриятлар ва адолат учун курашда нур сочувчи маёқдир. Имом ал-Бухорийнинг доимо такрорлайдиган сўзлари бор: «Пайғамбаримиз насиҳатларига амал қилинг: ўлган одам ўзидан кейин бошқалар ҳам фойдалана олиши учун илму-зиё қолдириб кетса инсонлар орасида ҳамиша барҳаёт яшайди».

Дарҳақиқат, кўргазмадаги санъат асарлари ана шу сўзларни тасдиқлаб турибди. Биз бу ерда ҳайкалтарош Маҳмуд Гасимовни ҳам учратдик.

— Мен Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний сиймоларини яратишни анча йилдан бери ўйлаб келардим. Бунинг учун бир қанча қўлёзмаларни варақлаб чиқишга тўғри келди. Бироқ бу ишни якиндагина якунладим. Аждодларимиз — қомусий олам бўлишган. Улар дунёга фалсафий нуқтаи назардан қарашган. Ана шундай донишманд қиёфаларни яратиб, тўйга тўёна қўшганимдан бахтиёрман.

— Иккинчи қаватдаги зал — Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган, — дейди суҳбатни давом эттириб Шарофатхон опа. — Шуни айтиш керакки, у кишидан «Астрономия асослари», «Само жисмлари ҳолатининг асосий қонун-қоидалари», «Шимолий ва Жанубий устурлоб қурилмасининг мукаммал нусхаси», «Аҳмад ал-Фарғоний жадвали», «Ал-Фарғонийнинг Тоғ эчкиси юлдузлар буржининг кўндаланг кесими ўлчови жадвали», «Ой уфқ усти ёки остида бўлган пайтларда йил фасларини аниқлаш ҳақида рисола», «Қуёш соатлари тузилиши ҳақида» деган китоблар қолган. Қизиғи шундаки, ал-Фарғонийнинг қаҳ-ининг тузилиши ҳақидаги билимларидан Данте ўзининг «Илоҳий комедия» асарида самарали фойдаланган. Осмонни тасвирлаб бериш, ундаги мавжуд юлдузларнинг номаълум ғарбий қитъа устида жойлашганлиги»ни «Аросат» қисмига киритган. Машҳур итальян тадқиқотчи-сайёҳи Америго Веспуччининг янги қитъа узра биринчи марта тунги осмонни кўриб: «Дўстларим, биз Дантенинг «Аросати»га етиб келдик!» деб қичқирганини эшитсак, Америка қитъасини кашф қилиш илк бор Аҳмад ал-Фарғоний томонидан айтилган деб аниқ айтиш мумкин.

...Ҳа, бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Кўргазмадан олам-олам таассуротлар билан қайтар эканмиз, зиё ана шундай бобокалонларимизнинг ақл-идроки ва меҳнати ила шарқдан таралганига яна бир карра ишондик.

Муродулла ҒАФУРОВ.

СУРАТДА: кўргазмага қўйилган Аҳмад ал-Фарғоний портрети. У Р. Резамуҳамедов қаламига мансуб.

В. ПОРТНОВ фото-репродукцияси.

БУЮК АЖДОДИМИЗ СИЙМОСИ

Тошкентда Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида буюк мутафаккир ва олим Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган «Ал-Фарғоний» спектаклининг премьераси бўлди.

— Театиримиз буюк аждодимиз ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги юбилейини нишонлаш каби шонли воқеадан четда тура олмас эди, — деди ЎзА мухбири билан суҳбатда театр директори, Халқ артисти Бернора Қориева. — Биз бу спектаклни бир йил давомида тайёрладик, унда буюк аждодимиз сиймосини кўрсатиш учун балет ва опера жанрларидан фойдаландик.

Жанрларнинг бир-бирига қўшилиши ижодий жамоамизга постановкачи режиссёр Ҳайдарали Қосимов, бастакор Мустафо Бафоев, хореографлар Галия Измайлова ва Иброҳим Юсупов, шоир Жуманиёз Жабборов ғояларини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Улар томошабинларимизга Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва илмий жасорати ҳақида сўзлаб беришдек, фахрли ишга қўл урганлар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўз илм-фани ва маданиятини қайта тиклаётган ва ривожлантираётган ҳозирги пайтда Аҳмад ал-Фарғоний сиймоси ҳаммамизни илҳомлантиради. Биз буюк аждодимиз ҳақида юксак санъат тили билан ҳикоя қилиб беришга ҳаракат қилдик. Тақдир бизга ал-Фарғоний каби буюк шахс ҳаётига дахлдор бўлиш имкониятини ҳадя этганидан хурсандмиз. Спектаклимиз томошабинларда буюк аждодимиз билан фахрланиш туйғуларини, одамлар қалбида унутилмас яхши из қолдириб, самарали яшаш истагини уйғотади, деб умид қиламиз.

(ЎзА).

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Пскент туманидаги Ислиддин Ҳайдаров номли жамоа хўжалигининг йириклаштирилган бўлими заршунослари ҳам ғалаба рапортига имзо чекдилар.

Улар 280 гектар ердан 700 тонна пахта териб топширишди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 25 центнерни ташкил этди. Усмонқул Эшметов бошлиқ бригадада бу кўрсаткич 27 центнерга етказилди.

Йиллик режанинг барвақт бажарилишига мавсумда 4,5 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлган Бусалма Эшметова, Гулсанам Нормановалар, айниқса, баракали ҳосса қўшдилар. Бўлим азаматлари барча ҳосилни нобуд қилмай тез орада териб олиш учун теримни уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар.

Тўхташ ҚОСИМОВ.

* * *

Ўртачирчиқ туманидаги Акмал Икромов номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти пахтакорлари зафар маррасини эгалладилар. 830 гектар ернинг ҳар гектаридан 24 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Ялпи хирмон 2 минг тоннани ташкил этди.

Мавжуд 9та бригаданинг ҳаммаси режасини бажарди. Ўктам Суттибоев, Ўрмонали Тожиев, Маҳмуд Ҳамроевлар бошлиқ бригадаларда гектарлар самарадорлиги 26-29 центнерни ташкил этди. Илғор механизаторлардан Абдулла Ғоипов, Шерзод Соатов, Ўраз Суттибоевлар ўз агрегатлари бункеридан 65-90 тоннадан пахта тўкишга муваффақ бўлдилар.

Чевар теримчилар ҳам яхши ишлашди. Қолдиғул Матқосимова, Зуҳра Ёрматова, Бувирайҳон Аҳмедова каби пешқадамларнинг ҳар бири 4,5-5 тоннадан дур теришди. Хўжаликда йиғим-терим давом этмоқда. Заршунослар ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Усмонали ҲАМИДОВ.

* * *

Оққўрғондан ҳам хушхабарлар келмоқда. Тумандаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалигидаги Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Сулаймонов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги аъзолари пахта тайёрлаш йиллик режаларини бажаришди. Улар мавжуд 40 гектар ерга барака уруғини қалаб, 28,5 центнердан ҳосил кўтаришди. Умумий хирмон 114 тоннани ташкил қилди. Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда Шароф ҳамда Абдужаббор Сулаймоновларнинг оилавий пудратчилари, Раъно Турсунова, Фарида Сафаева, Назира Сафарова, Ғулбаҳор Пирматова каби илғор теримчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

* * *

Шунингдек, Қаҳрамон жамоа хўжалигининг Илҳом Имомов бошлиқ бригада аъзолари ҳам маррага етдилар. Улар 97 гектар пахта майдонида 28 центнердан ҳосил ундириб, 272 тонна хирмон тикладилар. Йиллик режа 110 фоизга уддаланди.

Мукаррам ТОЖИБОЕВА.

Балли!

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА!

Айни кунларда Ўзбекистоннинг ҳамма ерида бўлгани каби вилоятимиз далаларида ҳам пахта йиғим-терими тобора авж олмоқда. Йил бўйи пешона тери тўкиб етиштирилган ҳосилнинг бир қисми ҳали чанақларда турибди. Уни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, қисқа муддатда саранжомлаб олишда пахтакорлар билан бир қаторда ҳашарчилар ҳам катта ҳиммат кўрсатишяпти. Шулардан бири «Олмазор мебель» ҳиссадорлик жамияти аъзоларидир.

— Терим қизиган паллада Тошкент вилояти ҳокимлигининг вилоят деҳқонлари, ишчи-хизматчилари, зиёлилари, ёшлари — барча меҳнаткашларига мурожаатини жамоамизда кенг муҳокама қилдик, — дейди корхона директори Худойберди Ҳолмуҳамедов. — Ундаги: «Азиз шаҳарлик биродарлар, ҳашарчилар! Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди. Сизлар ҳамиша ҳал қилувчи дамларда азиз деҳқонларимизга мададкор бўлиб келгансизлар. Биз аминмизки, бу йил ҳам Сиз ўз меҳнатингиз билан ризқ-рузимизни йиғиб-териб олишдан четда турмайсиз», деган сўзлар ҳаммамизни пахтазорга чорлади.

Олмазорлик мебелчилар дастлаб пахтазорга отланишганда мавсум мобайнида 70 тонна пахта теришни мўлжаллашган эди. Ваъдага вафо қилиш учун далага чиққан ҳар бир киши астойдил ишлади. Корхона раҳбарияти эса уларга ҳар томонлама мадад бериб турди. Кўплаб ҳашарчилар кунига 100 килограммдан ошириб «оқ олтин» теришга эришдилар.

Куни кеча биз ҳиммати баланд ҳашарчилардан хушхабар олдик. Улар ҳозиргача режадагидан анча кўп, яъни 80 тонна пахта териб, Чиноз туманининг катта хирмонига баракали ҳисса қўшишибди.

Ҳашарчилар йиғим-теримда ҳамон фаол иштирок этишмоқда. Ҳозиргача 2-2,5 тоннадан пахта терган Майсара Қурбонова, Муяссар Умматова, Малика Турғунбоевалар кўпчиликка намуна бўлишяпти. Мебелчилар мавсум охиригача яна 20 тонна пахта теріб, ялпи хирмонни 100 тоннага етказишмоқчи.

Каримжон РИХСИЕВ.

ДУГОНАЛАР

Ҳа, шундай. Оққўрғон туманида катта хирмонга теримчилар қўшган ҳисса салмоқли бўлиб бормоқда. «Маданият» жамоа хўжалиги аъзоси Дилором Нишонова (суратда чапда) ва «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги теримчиси Ҳанифа Шарипова (ўнгда) ана шуларнинг бири. Улар ҳар куни 100 килограммга етказиб пахта термоқдалар. Мавсум бошидан буён хирмонга тўккан пахталари 3 тоннадан ошиб кетди. Ғаниматкупларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланаётган пахтакорлар терим суръатини пасайтирмасликка ҳаракат қилмоқдалар.

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.

ҚАРДОШ ЮРТ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

МУСТАҚИЛЛИК қозоқ халқига, аввало, миллатнинг асл қадриятларига қайтишдек буюк неъматни инъом этди. Бу эса, мамлакатда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётга тадбиқ этилишида муҳим омил бўлмоқда. Зеро, миллат ўзлигини англаши учун унинг қадриятларини улуғлашда ҳикмат кўп.

Мустақилликнинг ўтган етти йили миллатнинг маънавий юксалиши билан бир қаторда, иқтисодиётнинг тараққиёт йўлига тушиб олиши учун ҳам катта имкон берди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига тўхталадиган бўлсак, мазкур алоқалар олис тарихга бориб тақалади. Ўзбек ва қозоқ халқлари қадим Туркистон ҳудудида истиқомат қилаётган тарихи, ери, суви, офтоби ягона бўлган халқлардир. Зеро, уларнинг қондошлиги аввало, қадим туркий эл фарзандлари экани билан ҳам изоҳланади.

25 октябрь — Қозоғистон республикаси мустақиллиги куни

Мустақилликнинг илк давридаёқ, 1992 йилда мамлакатларимиз ўртасида абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган эди. 1995 йилнинг май ойида Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари муваффақият билан ўтди. Унда юртимизнинг маданият ва санъат соҳаларида эришган ютуқлари билан бир қаторда, иқтисодий ва илмий-техникавий имкониятлари ҳосили — авиасозлик, машинасозлик, тўқимачилик ва енгил саноат, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги товарлари, замонавий асбоб-ускуналар, шунингдек, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон қўшма корхоналари ишлаб чиқараётган турли маҳсулотлар намуналари намойиш қилинган эди.

Ўтган йили Президентимиз Ислом Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди. Мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини юқори босқичга олиб чиқди. Чунончи, унда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик ва дўстона алоқаларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, ҳуқуқий ёрдам ҳамда фуқаро, оила ва жиноят ҳуқуқлари бўйича муносабатлар ҳақидаги шартнома, икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш тўғрисидаги протокол, шунингдек, савдо-сотиқ, алоқа, темир йўл, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланган эди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир жиҳати бу ягона иқтисодий маконнинг барпо этилишидир. Хусусан, энергетика, экология, сув ресурслари бўйича аниқ режа асосида иш юритиш, табиий бойликлардан ўзаро оқилона фойдаланишга катта эътибор берилаётир. Орол муаммоларини ҳал қилишда ҳам мамлакатларимиз елкама-елка туриб фаолият кўрсатмоқда.

Қувончлиси, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Уни самарали, ўзаро манфаатли ва маҳсулдор ҳамкорлик, деб ҳисоблаш жоиздир. Иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Шу ўринда айтиш керакки, Қозоғистон Ўзбекистоннинг асосий савдо шерикларидан биридир. 1997 йилда мамлакатларимиз ўртасида умумий савдо айланмаси 214 миллион АҚШ долларини ташкил қилган эди. Бу кўрсаткич йил сайин ўсмоқда. Бугунги кунда юртимизда 45та Ўзбекистон — Қозоғистон қўшма корхонаси фаолият кўрстяпти. Шунга қарамай, савдо-иқтисодий муносабатларимиз кўламини янада кенгайтириш учун ҳар икки мамлакатда катта имкониятлар мавжуд.

Шуниси қувонарлики, ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик фақат ривожланиш йўлини тутди. Халқларимизнинг қардошлик муносабатлари фақат мустаҳкамланиб бормоқда.

Аброр ҚИЛИЧЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Бу йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилганига 53 йил тўлади. Дастлаб дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида тузилган ушбу ташкилотнинг фаолияти ҳозирги кунга келиб инсоният ҳаётининг қарийб барча жабҳаларини қамраб олди. БМТ Бош котибининг ушбу сана муносабати билан эълон қилинган баёнотида бу ўзининг аниқтиниқ ифодасини топган.

Ҳозир бутун дунё ягона оилага монанд бирлашаётган пайтда, яъни глобаллашув шароитида ҳар қандай муаммо бир давлат чегарасида қолиб кетмайди. Алоҳида бир мамлакатнинг унга қарши курашишга қурби етмайди. Айрим муаммолар борки, уларнинг ечимини излаш ҳатто БМТдек тузилма учун ҳам осон кечмайди. Айни пайтда Америка ва Европа мамлакатларига ҳам ўз таъсирини ўтказаётган Осиёдаги молиявий бўҳрон сингари жаҳоншумул муаммоларни ечишга уриниш, албатта, бўрон билан курашиш каби мушкул иш. Лекин шундай бўлса-да, биз бўроннинг олдини олиш эмас, миллионлаб инсонларни у келтириши мумкин бўлган жабрдан ҳоли қилиш йўлидан бормоқдамиз. Ўзгаришларни қийинчиликларсиз ўтказиш, уларни бошқариш учун ҳам янада кучлироқ жипслашувимиз лозим.

Гапни Бош котиб Кофи Аннан баёноти билан бошлаганимизнинг сабаби бор. У бу лавозимни эгаллагач, ташкилот таркиби, фаолият йўналишларида янгиланишлар рўй бера бошлади. БМТ фаолиятини такомиллаштириш, жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишда мамлакатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини кучайтиришга кўпроқ эътибор қаратилди. Шу ўринда К. Аннан янгиланишлар борасида илгари сурган таклифларнинг аксар қисми ҳали муҳокамада бўлса-да улардан айримларини санаб ўтиш жоиз. Булар — БМТ таркибига кирувчи тузилмалар ваколатхоналари фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, жаҳоншумул муаммоларга бағишланган халқаро анжуманлар якунларини ҳаётга татбиқ этишни кучайтириш, шунингдек, ташкилот таркибидаги ва нодавлат тузилмалар ҳамда ҳукумат органларининг ўзаро англашув ва юксак ишончга таянган муносабатини йўлга қўйиш, яъни, мухтасар қилиб айтганда, «ягона уй» барпо этиш.

Маълумки, БМТ ташкил топганидан буён унинг таркибида кўплаб тузилмалар пайдо бўлди. Улардан айримларининг фаолият доирасида эса туташ жиҳатлар юзага кела бошлади. Бу англашилмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатдир. Яъни, гоҳо бир муаммо ечимига бир неча тузилма бош қўшса, бошқа бир муаммо умуман назардан четда қолиб кетади. Шу боис, ташкилот таркибидаги тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш лозим.

24 октябрь — БМТ ташкил топган кун

Яна бир эътиборга молик масала йирик халқаро анжуманлар билан боғлиқдир. Масалан, хотин-қизлар муаммоларига бағишланган Пекин конференцияси ёки атроф-муҳит масалаларига бағишланган Рио-де-Жанейро анжуманида қўплаб муҳим қарорлар қабул қилинган. Лекин уларга дунёнинг ҳамма мамлакатида ҳам бир хил муносабат билдирилаётгани йўқ. Шу боис бу борада БМТ сингари йирик ва нуфузли ташкилотнинг мувофиқлаштирувчи ёки раҳбаслик сифатидаги иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар айтганда, К. Аннанинг таклифлари бугунги кунда ўзининг долзарблиги ва муҳимлиги билан кўпчилик диққат-эътиборини тортмоқда. Унинг баёнотида таъкидланишича, айни пайтда нодавлат ташкилотларнинг ҳамжиҳатлигини ҳам кучайтирмоқ зарур. Зеро, бу сайёравий фуқаролик жамиятини барпо этишдаги муҳим омиллардан бири саналади. Бундай ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, ўтган йили эришилган натижаларни айтиб ўтишнинг ўзиёқ кифоя қилади. Масалан, пиёдаларга қарши қўлланиладиган миналарни таъқиқлашга қаратилган халқаро компания ҳамда жаҳон нодавлат ташкилотларининг халқаро жиноий суд тузиш мақсадида коалицияга бирлашгани ана шулар жумласидандир.

БМТ ташкил топган кун муносабати билан ушбу ташкилотнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам шулар ҳақда сўз борди. Бу тадбир шуниси билан муҳимки, унда БМТнинг юртимизда ваколатхонасини очган таркибий тузилмалари — Жаҳон банки, Тараққиёт дастури, Халқаро валюта жамғармаси, Қочқинлар масаласи бўйича олий комиссарлик, ЮНЕСКО, Наркотик моддаларни назорат қилиш дастури (ЮНДКП), Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), Саноий тараққиёт дастури (ЮНИДО) раҳбарлари иштирок этди. Анжуман иштирокчилари ўзи раҳбарлик қилаётган тузилма фаолияти, у билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Мамлакатимизнинг БМТ ва унинг таркибий тузилмалари билан ҳамкорлиги ҳақида кўплаб ижобий фикрларни айтиш мумкин. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, бу ҳамкорлик жуда кўп соҳаларни ўз ичига олган. Масалан, таълим, маданият ва санъат соҳасидаги алоқаларга тўхталиш мумкин. Шу кунларда ўтказиладиган иккита катта тантанага — Имом ал-Бухорий ҳамда Аҳмад ал-Фарғоний юбилейларига ЮНЕСКО ҳам бош қўшганлиги эътиборга моликдир. Ушбу ташкилот Ўзбекистоннинг Бухоро ва Хива шаҳарларини жаҳон қадимий шаҳарлари рўйхатига киритган. ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги вакили М.Барри Лейннинг таъкидлашича, мазкур рўйхатга Самарқандни ҳам киритиш режалаштирилган. Бундан ташқари, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Бухоро ва Хивадаги осоратиқаларни таъмирлаш, шунингдек, яқинда Тошкент Давлат университетида Улуғбек кафедрасини очиш, йил охиригача таълим, халқ амалий санъатига бағишланган халқаро анжуманлар ўтказиш мўлжалланган.

Тараққиёт дастури билан ҳамкорликнинг ҳам диққатга сазовор жиҳатлари анчагина. Хусусан, жамиятни демократлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда ёрдам кўрсатиш дастур вакилларининг бош мақсадидир.

Бундан ташқари, БМТ тузилмалари ёрдамида юртимизда аҳоли, айниқса, болалар ва оналар саломатлигини муҳофаза қилиш каби ижтимоий масалалардан тортиб, қочқинларни ўз ватанига қайтариш сингари сиёсий масалалар бўйича ҳам кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина марказий банки мамлакат олтин захирасининг охирги қисми сотилишини маълум қилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакатнинг ҳозирги кундаги олтин захираси ўтган асрнинг охирида эарбланган бир ярим миллион дона тилла тангадан иборат экан.

Ушбу қарор аргентиналик молиячиларнинг мамлакат олтин захирасини сақлаб туришдан бутунлай воз кечишини англатади. Марказий банк вакилларининг таъкидлашича, бундай захирани сақлаб туриш мамлакат бюджети учун жуда қимматга тушаётир.

* * *

ВАРШАВА. Моника Левинская Польшада турмушга чиқди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Никоҳ маросимида келинкуёвнинг яқинларигина иштирок этган. Моника ўзини бир неча ойдан буён қийнаб келаётган муаммони батамом ҳал қилиш ниятида турмуш ўртоғининг фамилиясини қабул қилди.

Қизиғи шундаки, польшалик Моника Левинскаяни америкалик Моника Левинскига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Пойтахтда истиқомат қилувчи Моника АҚШ президенти билан бўлган алоқаларини «кўз-кўз» қилиш билан шуҳрат топган аёл билан фамилиядошликдан қутилиш учун турмушга чиқди ва эрининг фамилиясига ўтди.

* * *

ТЕЛ-АВИВ. Исроиллик талабалар ҳукуматдан ўқиш учун тўланадиган пул миқдорини 50 фоизга камайтиришни талаб қилиб чиқди.

Ўтган чоршанба куни бўлиб ўтган тартибсизликлар давомида бир неча талаба яраланган, айримлари хавфсизлик кучлари томонидан қўлга олинган, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

(ЎзА).

Бизнинг шарҳ

ГРУЗИЯ: ИСЁН БОСТИРИЛДИ

ХАБАР берилганидек, якшанбадан душанбага ўтар кечаси Грузиянинг Сенаки мотоўқчи батальонидаги бир гуруҳ ҳарбийлар ҳукуматга қарши исён кўтарган эди. Исёнчиларга Грузиянинг марҳум президенти Звиад Гамсахурдия тарафдори, айни пайтда Сенаки мотоўқчи батальонида хизмат қилаётган подполковник Акакий Элиава раҳбарлик қилган.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, исёнчилар 13та зирҳли техника ва 50дан ортиқ автоматни қўлга киритиб, Ғарбий Грузиянинг Самтредиа тумани ҳудудига жойлашиб олган эди. Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе исёнчиларни қуролларни топшириб, доимий қароргоҳларига қайтишга даъват этди. Шу куни Грузия Мудофаа ҳамда Давлат Хавфсизлиги Вазирлари ҳам исён ўчоғига келди. Мамлакат Ички Ишлар Вазирлиги қўшинлари пойтахтдаги муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган иншоотлар, автомагистралларни ўз назоратига олди. Президент Э. Шеварднадзенинг Ғарбий Грузия бўйича вакили Т. Шашиашвили эса исёнчилар билан бевосита музокаралар бошлади. Бироқ воқеалар ривожига қараганда, музокаралар қутилганидек амалий натижа бермаган кўринади.

Ғарбий Грузиядан маълум қилинишича, душанба куни кечаси Мудофаа Вазирлигининг десантчи қисмлари исёнчиларни зарарсизлантириш бўйича ҳарбий тадбир бошлади. Бу сешанба куни эрталаб исёнчиларнинг тўла мағлубияти билан ниҳоясига етган. Ҳукумат қўшинлари исёнчилар жойлашган аҳоли турар жойларида тўлиқ назорат ўрнатди. Исёнчиларнинг аксарият қисми ўз ихтиёри билан қуролларини ташлаб, ҳукумат қўшинларига таслим бўлди. Исёнга раҳбарлик қилган Акакий Элиава эса бир неча шериклари билан Ғарбий Грузиядаги ўрмонларга яширинган. Айни пайтда уларни қўлга олиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Грузия Бош прокуратураси подполковник А. Элиава ва шерикларига нисбатан ватан хоини сифатида жиноий иш қўзғатилишини маълум қилди.

Грузия Мудофаа Вазирлиги Матбуот хизматининг маълум қилишича, исёнчиларни зарарсизлантириш чоғида ҳукумат аскаларидан бир нафари ҳалок бўлган, икки аскар эса жароҳат олган. Исёнчилардан неча кишининг ҳалок бўлгани ҳозирча маълум эмас.

Исённинг биринчи куни баъзи оммавий ахборот воситалари Ғарбий Грузияда вазият кескинлашгани туфайли Поти бандаргоҳи фаолияти тўхтаб қолди, деган мазмундаги хабарларни ҳам тарқатган эди. Грузия давлат чегараларини қўриқлаш департаментидан маълум қилинишича, Поти бандаргоҳи одатдаги тартибда ишламоқда. Шунингдек, Боку-Супса нефть тармоғининг қурилиши ҳам душанба куни тўхтатилган эди. Озарбойжоннинг Амок компанияси маъмурияти нефть тармоғи қурилиши сешанба куни қайта бошланганини маълум қилган.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ДУШАНБА, 26

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Танбур».
9.25 «Жаҳон спорти».
9.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Сени ҳеч қачон унутмайман». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.35 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
13.00—14.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Согинчли салом».
18.30 «Олам ва одам».
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.05 «Севаман сени элим». Мусиқий дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод алифбоси».
21.25 **«Буюк муҳаддис». Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги тантаналари.**
22.45 «Сиёсат оламида».
23.05 «Қиёфа».
23.35 «Ахборот».
00.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Сўғдиёна».
00.50—00.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Жажжи довра», Мульттомоша).
18.35 Эгиз қўшиқлар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Олтин мерос.
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.50 Ёшлар қуйлайди.
21.05 Ўзбегим. Навоий вилоятидан тайёрланган. 2-кўрсатув.
21.25 Нигоҳ. Ёшларни турмуш қуришга муносабати.
21.40 Араб эстрадаси.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Оролга сайр».
23.45 Хайрли тун!

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.30 Телефакт.
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Бумеранг».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Дорихона эшитади...».
21.25 «Таггерт». Телесериал.
22.15 «Даракчи».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Саргузашт фильмлар экрани.
00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ-IV

* * *
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Қасдлашиб» сериалида руслар сири.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Кимга қанақа?».
21.40 «Бу бўстон аро».
22.00 «Вести».
22.30 «Сиз учун».
22.50 Кинематограф: Жеки Чан «Ҳукмронлик белгиси — II» фильмида.
00.30 «Ахборот» (рус тилида).
00.55 Тунги сеанс: «Ширин орзулар». Бадиий фильм.
02.50—02.55 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА, 27

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент — янги шаҳар».
8.55 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
9.15 Эстрада тароналари.
9.40 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Замин фидойилари».
10.25 Янги алифбони ўрганамиз.
10.55 «Қойилмақом Ғоша». Мультфильм.
11.10 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
12.05 Кундузги сеанс. «Ҳуррият». Бадиий фильм. 1-серия.
13.20 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
14.10—15.15 Кундузги сеанс: «Ҳуррият». Бадиий фильм. 2-серия.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.30 «Эл тинчлиги йўлида».
18.50 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
19.10 «Мулк ва мунасабат».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бободеҳқон, Сизга таъзим». Мусиқий дастур.
21.35 «Акс садо».
22.10 **Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги тантаналари.**
23.50 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Эркатой», Мульттомоша).
18.35 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.50 «Қуйла ёшлик».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Ватан манзаралари.
19.35, 20.25, 22.35 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Болливудга нигоҳ».
20.50 «Ёнмаган ёзувлар».
21.15 «Танишинг: «Сидерис» гуруҳи».
21.30 Ёшлар ва спорт.
21.40 Шарқ эстрадаси.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Синема. «Хибсдагилар».
23.45 Спорт-китъаси.
00.10 Хайрли тун!

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.30 «Меҳригиё».
18.45 «Қалқон».
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Сурхондарё вилояти.
21.40 «Аёлингни асрагин элим». Хосият Бобомуродова.
22.15 «Олтин пўртаҳол» учрашувлари». 1-қисм.
22.35 «Тунги ҳамроҳ»: «Ўхшаш чеҳралар».
«Ёшлар ва эстрада».
23.40 «Ахборот».
00.10 Теннис бўйича Сателлит. «Буюк ипак йўли». Халқаро турнири.
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Спорт майдончаси». Мульттомоша).
18.35 «Семург». Ўсмирлар учун ахборот-кўнгилочар дастури.
18.50 «Бозор ва мулк».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 «Рақурс».
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 21.55, 22.40 — Эълонлар.
20.30 «Менинг фикрим».
20.45 «Ринг».
21.05 «Минг бир маслаҳат».
21.20 «Қуйла, ёшлигим».
21.35 Авторейд.
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий клип-антракт.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Хит-коллекция.
22.45 Синема. «Сайрга чиққан кичкинтой».
00.10 Шу куннинг мавзуси.
00.30 Мода ҳақида.
00.45 Хайрли тун!.

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 «Устоз». Телеловҳа.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 Мусиқий танаффус.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Хайрли оқшом».
22.10 ТВ ва театр.
22.30 «Даракчи».
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Видео—«О».
00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ-IV

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Қасдлашиб» сериалида руслар сири.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Шинжонгдаги учрашувлар». Наманган вилояти, Поп тумани дала механиклаштириш ҳузурида.
21.45 «Бирдан бир миллионточа». 1-қисм.
22.10 Диққат, премьера. С. Сирожиддинов. «Ҳаёт эшиги ортида». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.25 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури.
23.55 Бадиий фильм.
01.20—01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Олтин калит, Мультомоша).
18.35 Талабалар шаҳарчаси.
18.50 Ўйна, гулим ўйна.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 «Шабнам».
19.35, 20.25, 22.35 — Эълонлар.

кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Болалар учун. «Алпомишлар ҳамиша ғолиб».
10.55 «Кафолат».
11.15 «Бастакор илҳоми». Мусиқий дастур.
11.45 «Турон қизлари». Спорт дастури.
12.05 Кундузги сеанс. «Ҳуррият». Бадиий фильм. 5-серия.
13.15 «Саргайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
13.35 «Мактублар — кабутарлар».
14.10—15.20 Кундузги сеанс. «Ҳуррият». Бадиий фильм. 6-серия.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ғазалхон ёшлигим».
18.25 Ҳиссадор — манфаатдор».
18.50 «Ҳарита». Ҳалқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олам қушиққа тўлсин». Абдулҳай Каримов.
21.30 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.35 «Олтин пўртаҳол» учрашувлари». 2-қисм.
22.55 «Сомон йўли».
23.55 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Бўш ўтирма», Мульттомоша).
18.35 Бахс, мунозара, таҳлил.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Ёшлик новолари.
19.35, 20.25, 22.40 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Одобнома».
20.40 «Ёшлар» телеканалида.
20.45 Сиз севган хонанда: З. Суюнова.
21.00 Бегойим.
21.25 «Мутойиба».
21.45 Шарқ эстрадаси.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 «Дойче Велле» тақдим этади...
22.45 Синема. «Ашаддий муҳаббат».
00.10 «Жаҳон жанговар санъати».
00.30 Хайрли тун!

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Оҳанглар оғушида».
18.40 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Билиб қўйган яхши».
20.10 «Кўзгу».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 Оҳанглар ва эълонлар.
22.05 «Видео-«О».
23.40 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ-IV

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Қасдлашиб» сериалида руслар сири.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!.
20.00 «Время».
*
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Глинка-44».
21.40 «Спорт клуб».
22.00 «Вести».
22.30 «Кино сайёраси».
22.50 Кинематограф: Жанна Моро, Марчелло Мастроянни «Тун» фильмида (Италия).
00.30 «Ахборот» (рус тилида).
00.55 Тунги сеанс: «Никоблар». Бадиий фильм. (Франция).
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА, 30

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Умрбоқий қўшиқлар». Мусиқий дастур.
9.00 «Илм ўзликни билмакдир».
9.20 Болалар учун. «Бизнинг азиз боболар».
9.40 «Осон эмас бу майдон ичра...». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Мезон».
10.30 Немис тили.
11.00 «Ғаройиб воқеа». Мультфильм.
11.10 Ўзбек қуйларидан концерт.
11.40 «Сўғдиёна-98». Халқаро авторалли пойгаси.
12.05 Кундузги сеанс: «Пилигрим» капитани». Бадиий фильм.
13.35 «Ёзув столидан репортаж».
14.10—15.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Сеними, шошмай тур!». Мультфильм.
18.20 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажв, ҳанголма.
18.45 «Қалб товҳари».
19.05 «Етти иқлим садоси». Ҳавқоро шарҳ.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Ҳисобини билганлар».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Шинжондаги учрашувлар». Наманган вилояти, Поп тумани дала механиклаштириш ҳузурида.
21.45 «Бирдан бир миллионточа». 1-қисм.
22.10 Диққат, премьера. С. Сирожиддинов. «Ҳаёт эшиги ортида». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.25 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури.
23.55 Бадиий фильм.
01.20—01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Олтин калит, Мультомоша).
18.35 Талабалар шаҳарчаси.
18.50 Ўйна, гулим ўйна.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 «Шабнам».
19.35, 20.25, 22.35 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Автосалтанат».
20.40 «Бизнес доктор».
21.10 Мусиқий лаҳзалар.
21,15 «Азизим».
21.35 «Интерспорт».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Араб эстрадаси.
22.35 Синема. «Каролина Лэмб хоним».
00.35 Спорт-китъаси.
01.00 «Мунаввар тонг истаб».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Ҳудуд «М». Ёшлар учун дастур.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.45 «Рақслар жилоси».
22.05 «Адабий иқлим».
22.25 «Ишдаги ишқ ёки...».
22.50 «Даракчи».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 «Кинонигоҳ».
00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ-IV

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10-18.45 Туркия телевидениеси.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Сизнинг адвокатингиз».
21.40 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар» совриндорлари антологияси».
22.45 «Ёвузлар ва ғўзаллар» (1952 йил). Бадиий фильм. (АҚШ).
00.40 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс: «Сайёҳлар эрмаги». Саргузашт фильм.
02.35-02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 31

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Шоҳрух» клуби.
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қарши». Премьера.
«Умид» намойиш этади:
9.50 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.10 «Кулги терапияси».
10.30 «Вақтинг кетди».
*
10.55 «Ҳамроз».
11.25 Телевизион миниатюралар театри саҳнасида. Э. Раимов. «Синов».
12.00 Кундузги сеанс: «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-серия.
13.00 «Ором оҳлари». Мусиқий дастур.
13.40-14.10 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Оқшом эртаклари».
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
21.45 «Оила». Тележурнал.
22.15 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий-дам олиш дастури.
23.05 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.35 «Оловли йўл». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.55—01.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» намойиш этади.
9.30 «Дилбарим».
9.45 «Нигоҳ».
10.00 «Қуйла, ёшлик».
10.10 «Рақурс».
10.35 Мусиқий лаҳзалар.
10.40 «Бегойим».
11.05 «Ёнмаган ёзувлар».
11.30 «Танишинг: «Сидерис» гуруҳи».
11.45 «Ўзбегим».
12.05 Ринг.
12.25 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
13.10 «Ёшлар» телеканали ва «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Бухоройи шариф» достони. Биринчи фильм. 1-қисм.
13.45 «Сир».
14.00 Мода ҳақида.
14.15 «Синбод». Телесериал.
15.00 Шу куннинг мавзуси.
15.20 Синема.
16.45 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
17.15 Хит-коллекция.
17.35 Спорт-китъаси.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Боланинг тили», Мультомоша).
18.35 «Хуш келибсиз!».
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 «Агарда сиз...».
19.35, 20.25, 22.40 — Эълонлар.
19.40 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.30. «Гўйиг».
20.50 Бизнес-академия.
21.10 «Тақдим».
21.30 «Интер-футбол».
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 «Сенинг вақтинг».
22.45 Синема. «Аполлон 13». Бош ролда Том Хэнкс. 1-серия.
23.55 Хайрли тун!

ЎзТВ-III

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
8.20 Дилором наволар.
8.35 «Сонсет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
9.20 «ТВ ва театр».
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Мулалиф».
11

янгиликлар, хабарлар, воқеалар • янгиликлар, хабарлар, воқеалар • янгиликлар, хабарлар, воқеалар • янгиликлар, хабарлар, воқеалар • янгиликлар, хабарлар

ЯПОНИЯЛИК СОЗАНДА КОНЦЕРТИ

Тошкентда Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театрида японияли скрипкачи Марико Сэндзюнинг концерти бўлди. Бу машҳур созанда мамлакатимизга биринчи бор ташриф буюрди.

Марико Сэндзюнинг Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги маданий ҳамкорлик дастурида кўзда тутилган концерти пойтахтимиз маданий ҳаётида сезиларли воқеа бўлди. Созанда концерт дастурига жаҳон мумтоз мусиқасининг шоҳ асарлари — П. Чайковский, Л. Бетховен, Ф. Крайслер, П. Сарасатэ ҳамда Е. Исая асарларини киритган.

Италиялик маэстро Жузеппе Синополнинг шогирди, жуда кўп халқаро танловларнинг совриндори Марико Сэндзю зўр ижро маҳорати билан ўзбекистонлик мумтоз мусиқа мухлисларига юксак санъатдан баҳраманд бўлиш дақиқаларини ҳадя қилди.

Японияли созанданинг мусиқа кечасида Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари О. Матёқубов, Японияниг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Обата Коучи, дипломатия корпуси вакиллари ҳозир бўлди.

КУТУБХОНАЧИЛАР АНЖУМАНИ

Маълумки, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда кутубхоналар фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда кутубхоналарнинг ишини самарали ташкил этиш, уларга ўқувчиларни имкон қадар кўпроқ жалб этиш, жавонларни замонавий адабиётлар билан тўлдириш, янги китоблар ҳақида муфассал маълумотлар бериш каби муаммолар долзарб масаладир.

Шу боис, хорижий ҳамкасблари билими ва тажрибаси кутубхоначиларимиз учун айни муддао. Вашингтон давлат кутубхонаси бош кутубхоначиси Нэнси Зассининг мамлакатимизга ташрифидан кўзланган мақсад ҳам шу — ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ўз тажрибасини ўртоқлашиш.

АҚШлик меҳмон Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институтининг инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш марказида бўлиб ўтган «Аҳолининг ҳуқуқий маълумот олишида кутубхоналарнинг ўрни» мавзуидаги семинарда иштирок этди.

Нэнси Засси хоним анжуман иштирокчиларини АҚШда ахборот муҳити, жумладан, қонун-қоидалар, ахборот олиш анъаналари, уларни ўқувчиларга етказиш технологияси ва механизми ҳамда кутубхоналар кўрсатаётган хизматлар билан таништирди.

Ушбу семинар унда қатнашганлар учун кўп жиҳатдан фойдали бўлгани шубҳасиз.

Р. МАҲМУДОВ, ЎзА мухбири.

БУГУНГИ ҒОЛИБЛАР — ЭРТАГА ЧЕМПИОН

Фарғонада биринчи ёшлар ўйинлари доирасида Турон бўйича мусобақа бўлиб ўтди, унда 57 қиз ва 82 ўсмир қатнашди.

Команда ҳисобида ўсмирлар орасида тошкентликлар ғолиб бўлишди, қизлар орасида эса фарғоналиклар энг яхши натижа кўрсатишди.

Шахсий ҳисобда Дилявер Асанов, Фахриддин Мустафоев, Жасурбек Жуманов, Ниғмат Қурбонов, Муҳитдин Маҳмудов, Арман Арустанов, Марат Ҳусаинов, Люция Анакаева, Комила Арастаева, Анастасия Таратухина, Сузанна Аҳмедова ва Оля Максимова ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлиб, шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Афсуски, мусобақада Қорақалпоғистондан спортчилар иштирок этмади.

(ЎзА).

ЛИБОС — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДИР

ДУНЁДА халқлар, элат-уруғлар борки, ҳар бирининг ўзига хослиги, урф-одат ва удумлари бўлади. Улар нафақат тил, балки ички ва ташқи қиёфаси, миллий либослари билан ҳам фарқланадилар. Маънавият ва маърифатнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши эса ана шу жиҳатларнинг чамбарчас боғлиқлигида кўринади.

Шунинг учун ҳам миллатлар ўз аждодлари ила фахрланадилар. Чунки, улар умумбашарий маданиятнинг тараққий этишига у ёки бу даражада ҳисса қўшганлар. Бу борада аждодларимизнинг ўрни алоҳида. Айниқса, дунёвий илмларни, ислом маърифатини юксалтиришда боболаримизнинг салмоқли хизматлари бор. Буни бутун жаҳон тан олган. Лекин мени ўйлантираётган бошқа нарса, яъни аёлларимизнинг ҳижобга кириш масаласидир. Кейинги пайтларда шу ҳолат кўпайиб кетди. Бу — тараққиётми ё ўзликни йўқотишми?

Мустақилликка эришгач, қадриятларимизни англай бошладик. Барча миллатларда бўлгани каби узоқ йиллар таъқиқланган ёки йўқотилиб борилаётган удум ва анъаналаримизни тиклашга киришдик. Негаки, жаҳонгашта кишилар яхши билишади, одамийлик муносабатларида халқимиз ҳислатларига тенг келадиган одатлар йўқ. Буни очиқ айтиш мумкин. Аммо виждон эркинлиги ҳуқуқи берилганлигидан фойдаланиб, ўз миллатига муносиб бўлмаган либослар воситасида исломийликни намойиш этиш бизга ярашмаган одат деб ўйлайман.

Ҳижоб аслида араб мамлакатларида истиқомат қиладиган бадавийларнинг либоси. Маълумки, ҳар қандай миллатнинг кийим-кечаги ўзи яшаб турган табиий иқлим шарт-шароитидан келиб чиқади. Араблар яшайдиган минтақа ҳарорати ниҳоятда юқорилиги билан ажралиб туради. Шу боис, қуёш нури таъсиридан сақланиш мақсадида йўл-

Мулоҳаза

йўриқни кўриш учун фақатгина кўзни очиқ қолдириб, бутун баданини ўраш жоиз ҳисобланади. Бундай кийимни нафақат аёллар, ҳатто эркаклар ҳам кийишади. Эркак-аёлни ажратиш учун ўзига хослик бор. Ана шундай либосларда юришган бошқа халқларни ҳам кўриш мумкин. Масалан, Африка мамлакатларидаги элатлар. Бироқ ҳижоб кийган ҳар кимса мусулмон ҳисобланаверадими? Биз нингча, йўқ. Аслида диннинг миллий либосларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Биз ҳар хил оқимларга берилмасдан, исломнинг маърифий томонларига эътибор қилишимиз лозим. Зеро, ислом маданиятини араблар эмас айнан ўзбеклар юқори поғонага олиб чиқишди. Бу борада Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Бухорий, Хўжа Аҳрор Валий каби улуғ зотларнинг комиллик даражасини таърифлашга ҳожат бўлмаса керак. Нима, улар бошқа миллат либосларини кийиб, шундай мавқега кўтарилишганми? Йўқ. Улар кийим билан эмас, ўзбекона донишмандлик билан фикрлаш туфайли шу мартабага эришишган, деб ўйлаймиз.

Шу ўринда ҳижобга боғлиқ баъзи бир нарсалар ҳақида ҳам гапириб ўтишни истар эдим. Биз дунёвий давлат қуриш йўлидан боряпмиз. Бинобарин, қомусий мамлакат тизими бутун жаҳон инсон ҳуқуқлари Декларациясига тўлиқ амал қилиши шарт. Кимнинг қандай кийим кийиши ўзининг ихтиёрида. Лекин жамоат жойларида, маросим ва тантаналарда ўз миллий либосларимизга алоҳида эътибор берилади. Инчунун, ўзликни англатувчи хусусият ташқи қиёфада ҳам ўз аксини топади. Биз бу билан фахрланишимиз керак.

Хуллас, кийим ташқи қиёфага қанчалик ярашмасин, ички дунё гўзаллигини акс эттиролмайди. Шундай экан, момоларимиз меҳр ва шукроналик билан кийишган миллий либослар қолиб, халқимиз сажиясига тўғри келмайдиган ҳижобга киришнинг не ҳожати бор? Дин киши қалбини нурлантирар экан, бизга унинг маърифий томони керак. Ҳар қандай кийим-кечак билан Аллоҳга бўлган ишонч мустаҳкамланавермайди. Дил тоза бўлсин, мустақиллик неъматларидан тўғри баҳра олайлик. Ўзликнинг қадрига етайлик.

Ғафур МУРОДОВ.

ДИСНЕЙ 75 ЁШДА

Ҳозирги кунда «Уолт Дисней» номини эшитмаган инсон бўлмаса керак. Мазкур корпорациянинг студияларида яратилган «Қирол шер», «Алиса мўъжизалар мамлакатида», «Чип ва Дейл ёрдамга шошилади», «Ўрдаклар ҳақида ҳикоялар», «Покахонтас» каби мультфильмлар бутун дунё аҳли ва аввало, болаларда катта қизиқиш уйғотгани ҳаммага маълум.

Келинг, аввало корпорациянинг тарихига бир назар ташлайлик. Ҳаммаси Уолт Дисней «Алисанинг ғаройиб саргузаштлари» номли қисқа метражли мультфильмни экранлаштириш тўғрисидаги шартномага имзо чеккан кундан бошланди. Ушбу воқеа 1923 йилнинг октябрь ойида рўй берган эди. Шунинг учун ҳам «Уолт Дисней» корпорацияси ўз «туғилган куни»ни айнан шу ойда нишонлайди. Қорпорация асосчиси Уолт Дисней ўзининг биринчи мультфильмини экранлаштирганидан сўнг «Дисней Бразерс» компанияси ташкил этилди. Кейинчалик эса ушбу компания «Уолт Дисней» номи билан дунёга танилди.

Ҳозирги кунда «Уолт Дисней» корпорацияси нафақат кино олами, балки телевидениедаги ўрнини ҳам мустаҳкамлаб бормоқда. Яқинда корпорация АҚШ телегигантларидан бири бўлган «Кепитэл Ситиз — Эй-Би-Си» компаниясини сотиб олди. «Уолт Дисней» корпорацияси вакиллари ушбу келишувни шунчаки олди-сотди эмас, балки икки азалий дўстнинг қўшилиши, деб изоҳламоқда. Гап шундаки, Уолт Дисней ўзининг кўнгилочар боғи — «Диснейлэнд»ни барпо этиш фикри билан кўпчилик банк ва компанияларга мурожаат қилган. Аммо уларнинг барчаси У. Диснейни қўллаб-қувватлашдан бош тортган. Шундай бир пайтда «Эй-Би-Си» компанияси раҳбарияти унга моддий ёрдам кўрсатибгина қолмай, маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб қувватлаган. Бугунги кунга келиб эса, «Диснейлэнд»лар дунё бўйлаб тарқалди, уларнинг барчаси муваффақият билан ишлаб турибди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда «Уолт Дисней» тўла метражли кино ва мультфильмлар ишлаб чиқарувчи корпорация бўлибгина қолмай, дунёнинг кўпчилик мамлакатларига тарқалган 400дан ортиқ фирма-дўконлар, турли теле ва кино компаниялар, телеканаллар ҳамда кўпгина кўнгилочар боғлар — «Диснейлэнд»лар эгасидир.

Яна бир қизиқ маълумот: корпорация асосчиси Уолт Дисней ўз ҳаёти давомида АҚШ киноакадемиясининг «Оскар» мукофотига 26 марта сазовор бўлган. Бу рақам ҳозирги кунда ҳам энг юқори кўрсаткич бўлиб қолмоқда.

Бобур СОБИРОВ, ЎзА.

• Болалик уй бозор деб бекорга айтишмаган. Болалар ҳамиша тинчлик, хотиржамлик элчиси бўлиб келганлар ва ҳамиша шундай бўлиб қолишади.

Фотомухбиримиз Даврон АҲМАД олган сурат-лавҳада ҳам бахтли болалик гаштини сураётган жажжи кичкинтойларни кўриб турибсиз.

ЁҒ ИЧИДА ЯЙРАМАДИ

РАҲМАТЖОННИНГ сири Чинозда очилди. Уйли-жойли, бола-чақали бу одам тинчгина Сирдарё шаҳрида ризқ-насибасини териб еб юрган эди. Шайтон йўлдан урдими ёки нафсига эрк бердими, хуллас, топган-тутганига сабр қилмай катта пул илинжида Чинозга келиб қолди. Бу ердаги эски танишларининг пинжига кириб «Оқ олтин» кўчасидаги 14-уйда чигитдан ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ўша кезларда дўконларда пахта ёғи бироз тортилиб қолган, четдан келтирилган ўсимлик ёғларига эса одамлар ҳали ўрганишмаган эди. Шу боисдан ҳам Раҳматжон Шеров маҳсулотининг харидорлари кўпайиб кетди. Устаси фаранг «тадбиркор» хаш-паш дегунча салкам 55 минг сўмлик ёғни сотиб қаддини бироз ростлаб олди. Қани энди пулланган ёғ истеъмолга яроқли бўлса. Қозонга солсангиз, совундек кўпириб, ҳидига туриб бўлмасди. Яхши тозаланмаган, экологик жиҳатдан талабга мутлақо жавоб бермасди. Шу боисдан ҳам солиқчилар Раҳматжон Шеровнинг «фаолияти»га чек қўйдилар. Хуфя цехдаги 420 килограмм чигит, сотишга тайёр қилиб қўйилган 246 килограмм пахта ёғи, мойжувоз қисмлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди, ўзига нисбатан эса жиноят Кодексининг 184-моддаси билан жиноий иш қўзғатилди ва Чиноз тумани судининг ҳукми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишларига юборилди, иш ҳақининг 20 фоизи давлат ҳисобига ундириб олинадиган бўлди.

Солиқчилар фош этади

Шу воқеа сабаб, Чиноз тумани солиқчилари барча тадбиркорлар фаолиятини бирма-бир текшириб чиқишга қарор қилдилар. Ҳозир бу ҳудудда 1392 киши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Туман солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтмай яширинча тижорат ишлари билан шуғулланаётган кишилар ҳам йўқ эмасди. Солиқчилар кўпроқ шундай «учар»ларни қўлга туширишга киришдилар.

Кейинги пайтда шанба ва якшанба кунлари эмас, балки оддий кунларда ҳам катта йўл бўйи балиқ сотаётган сохта балиқчилар билан гавжумлашиб қолди. Уларнинг қўлида қоплаб тирик балиқлар типирчилаб турарди. Бу ҳол Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига мутлақо зид эди. Шу боисдан ҳам солиқчиларнинг навбатдаги рейди худди шу ердан бошланди.

Рейдга туман ички ишлар бўлими ва санитария-эпидемиология станцияси ходимлари ҳам жалб этилди. Улар туман бозорларини ва ёнатрофни синчковлик билан кўздан кечирганларида балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилаётган бир гуруҳ «тижоратчи»лар сири ошкор бўлди.

«Учар балиқчилар» туман атрофидаги дарё ва кўлларда урчитиб кўпайтирилаётган балиқларни хуфя йўллар билан тўрга тушириб, тунда катта йўл бўйларига олиб чиқишарканда кун ёришгунча кўтарасига пуллаб ҳеч нарса кўрмагандек яна изларига қайтишаркан. Ўша куни рейд қатнашчилари ўндан ортиқ сохта балиқчиларни қўлга туширдилар.

Орадан бир ҳафта ўтгач, солиқчилар яна балиқфурушлар изига тушдилар. Шу тариқа қисқа вақт ичида 1985 килограмм балиқ қўлга олиниб, давлат фойдасига мусодара қилинди. Буни пулга чақсангиз 150 минг сўмдан кам бўлмайди. Балиқфурушлар устидан белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, чора кўриш учун тезда туман судига юборилди. Сохта тадбиркорлар энди қилмишларига яраша жазоларини оладилар.

Туман давлат солиқ инспекциясида рўйхатда қайд этилган тадбиркорларнинг аксарияти ҳалол меҳнат қилишмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида улардан салкам 15 миллион сўм даромад солиғи ундириб олинди. Лекин беш панжа баробар эмас экан. 285 нафар тадбиркор солиқ қонунчилигига зид ҳатти-ҳаракатлар қилганлиги учун салкам 600 минг сўм маъмурий жаримага тортилди. 21 ҳолатда жиноят аломатлари бўлганлиги учун тўпланган материаллар қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларига юборилди.

Бундай материалларнинг бирида «Чиноз» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли 10-дўкон сотувчиси М. Иброҳимовнинг қилмишлари фош этилган эди. Юлғич сотувчи бир харидорга хизмат кўрсатиб 155 сўм 50 тийин уриб қолган пайтида тумшуғидан илинди. М. Иброҳимов жиноят Кодексининг 187-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик аломатларини содир этганлиги учун унинг устидан жиноят иши қўзғатилди. Фуқаро Саида Мирахмедова ҳам бир йилда икки марта савдо қоидасини бузганлиги учун устидан жиноий иш қўзғатилди.

Солиқчилар «Янгиобод» жамоа хўжалиги ҳудудида якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ишини кўздан кечираётиб, қизиқ-қизиқ ҳолатларнинг устидан чиқдилар. Фуқаро Фахриддин Йўлдошев Қозоғистондан 70 қоп унни айланма йўллар билан олиб келиб устама нархда ҳамқишлоқларига пуллаётган пайтда қўлга тушди. Фуқаро Карим Сулаймонов ҳам истеъмолга яроқлилигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз 71 қоп унни Қозоғистондан олиб келиб сотаётган пайтда ушланди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилябти.

Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи Шокир Шоғуломов, Мустафо Усмонов, Равшан Ҳакимов, Маҳмуд Тожибоев эса қилмишлари учун катта миқдорда маъмурий жарима тўладилар. Уларга қарашли турғун савдо шахобчаларида шу пайтгача назорат касса машиналари ўрнатилмаган эди. Туман солиқ инспекциясининг савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолиятини назорат қилиш бўлими ўтган ойларда 137та текширув ўтказган бўлса, шундан 127тасида турли хил қоидабузарликлар мавжудлиги аниқланди. Ўн ҳолатда харидорлар ҳақига 2619 сўм хиёнат қилинганлиги, 46 ҳолатда 22 минг 647 сўм савдо тушуми назорат касса машинасидан ўтказилмаганлиги, 5 ҳолатда 182 минг 500 сўмлик товар-моддий бойликлардан камомадга йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Бу йил туман солиқчилари 137та корхона ва ташкилотда солиқ қонунчилигига қандай риоя этилаётганлигини текширдилар. Текширувлар давомида бюджетга 22,2 миллион сўм солиқ ва жарималар ундирилди. Хато ва камчиликларга йўл қўйган жавобгар шахслар 589 минг сўм маъмурий жаримага тортилдилар.

Солиқчилар шунга ўхшаш ҳолатга туман машина-трактор паркида ҳам дуч келдилар. Текшириш натижалари бўйича корхонанинг собиқ раҳбари Ю. Захаров ва бош бухгалтер И. Умаров маъмурий жаримага тортилди.

Бюджет олдидаги мажбуриятни бажармаётган раҳбарлар билан энди муроса қилиб бўлмайди.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.

Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг

СЕМИЗЛАРГА МАЗАМИ?

Шунақа экан. Ғарбдаги асабшуносларнинг тадқиқотлари шуни тасдиқлаяпти. Расмийга тажриба хулосаларини бир ўқиб кўринг-а:

1. Айнан тўладан келганларга кўпроқ эътибор беришади, улар кўпроқ расмий ва норасмий гуруҳларнинг раҳбарлари бўлишади.

2. Тўладан келганлар хизмат пиллапоясидан осонроқ кўтариладилар. Котиблар, ишчилар, хизматчилар орасида дўмбоқлари раҳбарлар орасидагига нисбатан жуда кам.

3. Уларда одатда ёру дўстлар кўп бўлади. Нозик одамлар дўмбоқларга ўз сирларини дадил ишонаверадилар, семизлар эса уларни тиқилинч автобусда эзилишдан сақлайдилар.

4. Халқда олижаноб, меҳрибон, саҳий, бақалоқ дўст ҳақида ривоятлар жуда кўп. Бунинг акси — озғин, қизғанчиқлар ҳақида ҳам эртаклар сероб.

5. Дўмбоқ кишиларга ўз нуқтаи назарларини нисбатан ҳимоя қилиш осонроқ кечади. Сабаби, ташқи кўринишлари биланоқ улар рақибларини саросимага солиб қўядилар.

6. 70 фоиз оилалардаги бошлиқлар — семиз эркаклардир.

7. Ўзини турли пархезлар билан қийновчи фотомоделларга қараганда семиз аёллар анча мазза қиладилар. Ахир табиат уларни шундай қилиб яратган бўлса — ўзини сиришдан нима фойда?

8. Модалар кетидан қанча қувманг, барибир кўп эркакларнинг дўндиқ аёлларга рағбати баланд бўлади. Озғинларни кўпроқ дардга чалинган деб ҳисоблайдилар ҳам, уйланишда ҳам анча ўйлаб қоладилар. Дўндиқлар узоқ йиллар яхши бека бўладилар.

9. Тўладан келганлар истаган фасонларда энгил-бош тиктириб киядилар. Кийим топишда қийналмайдилар.

10. Барча омадсизликларни семизликларига ағдариб қўя қоладилар, мен ахир спортчи эмасман-ку!

11. Кўчада тўладан келганлардан ҳамён ва тўрвани олиб қочишга ҳайиқишади: мабодо у тан кўрикчи бўлса-чи? Бир муш уриб саранжомлаб қўяқолади-я!

12. Барча ҳурилиқолар тўлагина бўлишган — буни унутмаслик керак.

Кўриниб турибдики, «Семизлик айб эмас, файз» эканда! Ҳар ҳолда тўлалик ҳаётдан қониқишни ифода этса ажаб эмас.

Ҳориж материаллари асосида Темир ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ — ГАЗ!

Ҳурматли фуқаролар!

ИСИТИШ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Газ асбобларидан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини эслатиб ўтамиз.

Иситиш асбобларини ишга туширишдан олдин мўрилар, вентиляция йўлларининг техник ҳолатини текшириш ва шу ҳақдаги ҳужжатларни турар-жой бўйича шаҳар ва туман газлаштириш идораларига тақдим этиш лозим.

Газ билан иситиш ёки сув иситиш асбобларини ёқишдан олдин иситиш печининг кузатиш дарчасига олдиндан ёндирилган бовлиқ олиб келинади ва қозон, колонканинг ҳаво тортишини секинлаштирувчи қалпоғи остига қўйилади.

Иситиш қозонлари ишлаётган вақтда тизимдаги сув сатҳини кузатиб туринг.

Иситиш печларининг ортиқча қизиб кетишига ва уларда ёриқлар пайдо бўлишига йўл қўйманг.

Сув иситиш ва иситиш қозонлари хавфсизлик автоматикасининг созлигини назорат қилинг.

Ишлаб турган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг. Ғаз бериш авария туфайли узиб қўйилса хоналарга газ тўлиб қолиши мумкин.

Газ плитасидан фойдаланишда қуйидагиларга амал қилинг:

— конфоркага таги кенг идишни махсус тагликсиз қўйманг;

— плита устида кир қуритманг;

— духовка шкафидан фойдаланишдан олдин уни шамоллатинг, оловни қайта ёқиш олдидан гарелка ўчиб қолса, духовка шкафини синчиклаб шамоллатинг;

— болалар ва газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига ўргатилмаган кишиларнинг газ асбобларидан фойдаланишига йўл қўйманг.

Шаҳар ва туман газлаштириш идораларига маълум қилмасдан, газ асбобларини ўрнатиш ва қайта ўрнатиш ҳамда уларни газ билан таъминлаш тизимига улаш таъқиқланади. Уларни ўрнатиш ва ишга туширишга зарур талабларни бажармаслик ёнғин, портлаш, заҳарланишга сабаб бўлиши мумкин.

Ғаз ҳидини сезсангиз дарҳол газ асбоблари олдидаги жўмракларни беркитинг, хонани шамоллатинг, электр асбоблари ва очиқ оловдан фойдаланманг, зудлик билан шаҳар (туман) газ авария диспетчерлик хизматига қўнғироқ қилинг.

Турмушда газдан фойдаланишда хавфсизлик талабларига қатъий риоя этиш, уйингизда бахтсиз ҳодисалар бўлишининг олдини олади.

«ТОШВИЛГАЗ» БОШҚАРМАСИ.

Об-ҳаво

ОЙНИНГ СЎНГГИ ҲАФТАСИДА...

Октябрь ойининг сўнгги ҳафтасида ҳам йил бўйи заҳмат чеккан бободеҳқонларимиздан табиат ўз марҳаматини аямайди. Далаларда ястаниб ётган мўл-кўл ҳосилни йиғиштириб олиш учун қулай кунлар бўлади.

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармаси мутасаддиларининг хабар беришича, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида 24-28 октябрь кунлари ҳарорат мўътадил келади. Фақат ҳафта бошларида тоғли ҳудудларда ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечалари 3-8, кундуз кунлари эса 16-21 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги «Дилбарбону» хусусий кичик корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар бир ой давомида 41-42-14 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги «Оби ҳаёт булоғи» масъулияти чекланган жамиятининг йўқолган **ДУМАЛОҚ МУҲРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «ТЭСКо-Коммерс» МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ.** Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 67-84-94.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «КОМЕТЭСК» МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ.** Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 34-65-50.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0400. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.777 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.45. 1 2 3 4 5 6